

## Жиноятларни Тергов Қилишда Хатшунослик Экспертизасининг Аҳамияти

Файзиев Ж. И., Муҳиддинов С. Б.

Навоий вилояти ИИБ Эксперт-криминалистика маркази катта экспертлари

**Аннотация:** Ушбу мақолада жиноятларни тергов қилишда суд-хатшунослик экспертизасини аҳамияти, суд-хатшунослик экспертизаси қандай ҳолатларда ўтказилиши, экспертиза олдига қўйилиши лозим бўлган саволлар, саволлар ечимини топишда ҳозирги замоннинг илғор техникаларидан фойдаланиш, хатшунослик экспертизаси тушунчаси, хатшунослик экспертизаси вазифалари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** суд-хатшунослик экспертизасининг бевосита объекти, ёзув, қўлёзма, имзо, экспертиза тадқиқотлари.

Бугунги кунда жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши, айби бўлмаган ҳеч бир шахснинг жазога тортилмаслиги ҳамда суд ва тергов органларида адолатни таъминлаш фаолиятини суд экспертизасиз тасаввур этиб бўлмайди. Жиноят содир этишда замонавий технологиялар ва усулларни қўллаш бутун дунёда тобора оммалашиб бораётганлиги сабабли шахснинг ижтимоий хавfli қилмиш учун айблилигини судда илмий-техник асосланган ишончли далиллар билан исботлаш жараёнлари ҳам янада такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, фуқаролар томонидан бировнинг номига ноқонуний ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда, уларнинг мол-мулкларини эгаллаш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Ҳужжатларни расмийлаштириш давомида фуқароларнинг имзо ва ёзувларни сохталаштириб келишмоқда. Мазкур турдаги жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларига аниқлик киритишда ваколатли тергов органлари томонидан судга оид хатшунослик экспертизаси тайинланади.

Суд-хатшунослик экспертизаси – анъанавий турдаги криминалистик экспертизаларнинг алоҳида бир тури бўлиб, жиноят, фуқаролик процессида қарор қабул қилишда далилий аҳамиятга эга бўлган фактик маълумотларни аниқлаш учун қўлёзма ёзув (рақам) ва имзолар ижрочисини ўрганиш усуллари тўғрисидаги билимлар мажмуи ҳисобланади.<sup>1</sup>

Жиноятларни тергов қилиш жараёнида хатшунослик экспертизасини тайинлаш асослари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 180-моддасига асосан амалга оширилади. Ушбу моддага асосан “экспертиза тайинлаш тўғрисида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Унда: экспертиза тайинлаш учун асос бўлган сабаблар; экспертизага юборилаётган ашёвий далиллар ва бошқа объектлар, уларнинг қачон, қаерда ва қайси ҳолатда топилганлиги ва олинганлиги; иш материаллари бўйича экспертиза ўтказишда эса эксперт хулосаси асосланиши лозим бўлган маълумотлар; эксперт олдига қўйилган саволлар; экспертиза муассасасининг номи ёки экспертиза ўтказиш топширилган шахснинг фамилияси кўрсатилиши лозим.”<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ф.Б.Собиров Суд-хатшунослик экспертизаси бўйича экспертиза хулосаларини расмийлаштириш қондалари: Ўқув-услубий қўлланма //– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2024. – 68 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.

Хатшунослик экспертизаси тадқиқотлари давомида текширилиши лозим бўлган ҳужжатлар хатшунослик экспертизаси объекти – қўлёзма усулда бажарилган ёзув, рақам, имзолардан иборат бўлиши лозим.

Хатшунослар турли қўлёзма ёзувлар, рақамли белгилар, ҳужжатлардаги имзоларнинг бажарувчиси ҳақидаги маълумотларни ва ҳужжатнинг тузувчисини аниқлайдилар, фуқаровий даъволарни кўриб чиқишда, жиноятнинг олдини олиш ва очишда аҳамиятга эга бўлган турли ҳужжатларни тузиш (ёзиш шароити, ёзувчининг ҳолати) билан боғлиқ бўлган бошқа ҳақиқий маълумотларни аниқлашга ёрдам берадилар. Ҳисоб-китоб ҳужжатларини қалбакилаштириш орқали амалга оширилган фирибгарлик ва ўғрилиқ факти бўйича жиноят ишларини тергов қилишда хатшунослик экспертизаларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Хатшунослик экспертизасини ўтказишда ашъвий далилларни криминалистик жиҳатдан тадқиқ этиш тизими муайян хусусиятларга эга. Бу, бир томондан, қўлёзмада ёзма ҳаракат кўникмаси хусусиятларининг хилма-хиллиги ва, иккинчи томондан, бу хусусиятларнинг ҳар хил ёзув шароитларида ўзгарувчанлигида кўринади. Эксперт хулосаларини тузишда ижрочининг ёзув белгиларини баҳолаш ва мукамал таҳлил қилиш, кўп омилларга боғлиқ бўлган хатнинг индивидуаллиги, хусусан: ижрочининг ёши, жинси, ёзув тажрибаси ва саломатлиги, ёзув материалларининг сифати, ўз хатини ўзгартиришга уриниши кабилар асос бўла олади. Буларнинг ҳаммаси белгиларнинг кўп вариантли, ўзгарувчан ва ҳар хил қўлёзмаларда намоён бўлишига олиб келади.

Суд хатшунослигининг юқори ривожланиш даражаси билишнинг самарали методларидан фойдаланиш ҳисобига эришилган. Таъкидлаш жоизки, “суд хатшунослигининг методи” ибораси йиғма умумлашган аҳамиятга эга. Бу борада, ҳали ўтган асрнинг 60-йилларидаёқ Россиялик криминалист-олим В.А.Подкорытов “ҳеч бир фан, тадқиқотлар жараёнида, фақат биргина методдан фойдаланмайди, муайян тарзда тартибга солинган, билиш усулларининг бутун бошли тизимидан фойдаланади. Ушбу тартибга солинган ва тизимлаштирилган усулларнинг мажмуи фаннинг методи ҳисобланади”<sup>3</sup> деб таъкидлаган эди.

Суд-хатшунослик экспертизасининг бевосита объекти одамнинг мураккаб кўникмаларидан бири – ёзув кўникмасини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган хат (ёзув) ҳисобланади.

Ёзувнинг вужудга келиши ва ривожланиши бир неча минг йиллардан иборат даврни қамраб олади, ушбу давр мобайнида одамзод ёзувдан фойдаланишнинг турли йўлларини босиб ўтган.

Ёзувнинг энг қадимги ва оддий шакли бўлиб пиктографик ёки суратли ёзув ҳисобланади (лотинча “pictus” – чизилган ва юнонча “grapho” – ёзаман). Ёзувнинг бу усули турли буюмлар ва ҳаракатларни ифодаловчи суратлар орқали амалга оширилган. Бунда пиктограммаларнинг мазмуни оғзаки нутққа боғлиқ бўлмаган ва шу боисдан, улар турли тилда сўзлашувчи кишилар томонидан турлича талқин қилинган.

Таъкидлаш жоизки, “ёзув (хат)” атамасининг бир неча мазмуни мавжуд. Кундалик ҳаётда ёзув (хат) деганда қўлёзма матнни бажариш жараёни, почта жўнатмаси, одамнинг фикрларини шартли график белгилар ёрдамида қайд этиш ва ҳоказолар тушунилади. Ушбу тушунча криминалистика фанида қуйидагича талқин этилади:

“Ёзув (хат) – бу одамларнинг ўзаро мулоқотга киришишларида оғзаки (овозли) нутқига кўшимча восита бўлиб, оғзаки нутқни муайян тарзда ифодаладиган турлича график белгилар орқали амалга оширилади ва оғзаки нутқни фазода юбориш ҳамда вақтда қайд этишга хизмат қилади”<sup>4</sup>.

“Ёзув (хат) – бу ҳаракат функционал-динамик мажмуи (ФДМ)га асосланган ва уларнинг бажарилишининг қўлёзмаларда акс этувчи пировард дастури бўлиб, ушбу дастурда

<sup>3</sup> Подкорытов В.А. Соотношение диалектического метода с частно-научными методами. – Вопросы философии. – 1962. – №6. – С. 41

4. Вул С.М. Криминалистическое исследование признаков письменной речи. – Киев, 1973, – С.11.

бажарилаётган кўлёмаларнинг субъектив, кўринувчи-харакат тасвири ва уларни амалга ошириш учун махсус мослаштирилган ҳаракатлар тизими мавжуд бўлади”<sup>5</sup>.

Суд хатшунослигида суд-хатшунослик экспертизасининг вазифаси деганда “суд-тергов амалиёти эҳтиёжлари (терговчи ёки суднинг саволлари)га мос ҳолда, суд-хатшунослик экспертизасининг методикасини қўллашни назарда тутувчи факт (фактик ҳолат)ларни аниқлаш”<sup>6</sup> тушунилади. Суд-хатшунослик экспертизасининг аниқ вазифаси эса олимлар томонидан қуйдагича таърифланган: “эксперт томонидан, экспертиза предметига мос келувчи дастлабки маълумотлар асосида аниқланадиган ва келгусида ўтказиладиган тадқиқотлар жараёнида суд хатшунослиги соҳасидаги махсус билимлар ёрдамида амалга ошириладиган вазифалар”<sup>7</sup> тушунилади. Шундай қилиб, “суд-хатшунослик экспертизасининг вазифаси” ва “суд-хатшунослик экспертизасининг аниқ вазифаси” тушунчалари ўзаро узвий боғлиқ ҳамда умумий ва хусусий вазифа сифатида тушунилиши лозим.

Мисол сифатида “Агробанк” АТБ Навоий вилояти Нурота филиали мансабдор шахслари, “Нур Шер Нурота” МЧЖ раҳбари ва бошқа шахслар ўзаро жинойи тил бириктириб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.03.2021 йилдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5041-сонли қарори асосида “Нур шер Нурота” МЧЖга гўёки “Жамият қошидаги қушхонани замонавий жихозлаш” мақсадида “Тикланиш ва тарққиёт жамғармаси” маблағлари ҳисобидан 36 ой муддатга 6 ойлик имтиёзли даври билан йиллик 14% устама тўлаш шарти билан 220 млн сўм миқлорида кредит маблағи ажратиш ҳақидаги 18.06.2021 йилдаги 1-сонли кредит шартномасини расмийлаштиришга эришиб, ажратилган кредит маблағларини мақсадли ишлатмаслик мақсадида қушхона учун замонавий жихозлаш махсулотларини харид қилиш учун ўзининг таъсисчилиги ва раҳбарлигидаги “Нур замин Шер вохалари” МЧЖга 100 млн сўм норасмий фарзанди номида бўлган ЯТТ “Ҳикматова Мафтуна Шерматовна”га 120 млн сўм миқлорида пул маблағларини кўчириб бериб махсулотлар етказиб берилмаган бўлсада, етказиб берилганлиги тўғрисидаги сохта ҳисоб-фактураларини расмийлаштириб, келиб тушган кредит маблағлари ҳисобидан “Нур замин Шер вохалари” МЧЖнинг ва ЯТТ “Ҳикматова Мафтуна Шерматовна”нинг АТБ “Агробанк” Нурота филиалидаги кредит маблағларини сўндирилишига йўналтириб, ўзига ишониб топширилган ўзганинг 220 млн сўмлик кредит маблағини ўзлаштириш йўли билан талон тарож қилишган.

Мазкур ҳолат юзасидан АТБ “Агробанк” Навоий вилояти Нурота филиали, “Нур Шер Нурота” МЧЖ, “Нур замин Шер вохалари” МЧЖ ва ЯТТ “Ҳикматова Мафтуна Шерматовна” мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “А” банди билан жиноят иши кўзғатилган ҳамда мазкур жиноят иши юзасидан судга оид хатшунослик экспертизаси тайинланган бўлиб “Нур Шер Нурота” МЧЖ, “Нур замин Шер вохалари” МЧЖ ва ЯТТ “Ҳикматова Мафтуна Шерматовна” мансабдор шахслари ҳужжатлардаги имзоларни ўзлари қўймаганликларни важ қилиб кўзғатилган жиноят ишидан норозиликларини билдиришган ушбу ҳолат бўйича мансабдор шахсларнинг экспериментал, шартли эркин ва эркин тарзда бажарилган имзо наъмуналари терговчи томонидан ўз вақтида тақдим қилинганлиги боис ушбу жиноятни иссиқ изида фош бўлишига эришилган.

Амалий фаолият давомида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш юзасидан бир қатор таклифларни келтириш мумкин. Жиноятларни тез фурсатда очилиши ва адолатли ҳукм чиқаришда қарор ҳамда ажрим чиқарадиган органлар томонидан қуйидаги талабларга амал қилишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

5. Почерковедение и почерковедческая экспертиза: Учебник / Под ред. В.В.Серегина. – Волгоград, 2007. – С.37.

6. Қаранг: Словарь основных терминов теории и практики судебно-почерковедческой экспертизы. – М., 1981. – С.18.

7. Қаранг: Словарь основных терминов теории и практики судебно-почерковедческой экспертизы. – М., 1981. – С.18.

1. Ҳатшунослик экспертизаси ўтказадиган экспертга текширилиши лозим бўлган ҳужжатларни лозим даражада ҳақиқий нусхалари тақдим қилишлари ҳамда мазкур ҳужжатларни яроқлилигига этибор қаратилши.
2. Наъмуналарнинг етарли даражада тақдим қилишлари бунга экспериментал имзо, ёзув ва рақамларнинг камида 5, 10 вароқ бўлиши шунингдек (“экспертиза текшируви учун намуналар олиш баённомаси” билан биргаликда тақдим этилиши). Шартли эркин наъмуналар (маъмурий, жиноий ёки бошқа)га алоқадор ариза, тушунтириш ҳати, сўроқ баённомасидаги қўлёмалар ва эркин наъмуналар (текшириладиган объектларнинг бажарилиш ҳолатига имкон қадар яқин текшириладиган объектларнинг йилларига мос равишда бўлиши.
3. Эксперт олдига қўйиладиган саволларнинг мантиқан ҳатшунослик экспертизасига мос равишда бўлиши. Яъни қарор ёки ажрим чиқарадиган орган томонидан ҳатшунослик экспертиза оид саволлар қўйилишига этибор қаратилиши.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, жиноятларни тергов қилиш қилиш жараёни ғоят мураккаб бўлиб, бунда ҳар бир ўтаётган вақт жуда катта аҳамиятга эга, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш жараёнида муддатларни ортиқча чўзилишини олишда юқорида кўрсатиб ўтилган тавсияларга амал қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.
2. Почерковедение и почерковедческая экспертиза (курс лекции) - Волгоград 2002.- С.56.
3. Л.А.Винберг ва М.В. Шванкова “Почерковедческая экспертиза” Волгоград 1977 йил – С.84.
4. Ш. Комилов, Р. Махмудов, Ш. Хасанов “Ҳатшунослик экспертизаси” – Тошкент 2003 йил – С.38.
5. Носко Е.Н., Величквичем А.Ф., Поскребка А.Л., Бойко Е.Л., Бобровым А.А. “Общие рекомендации к составлению почерковедческих заключений” – Минск 2001 йил – С.56.